Энди, агарда ишлаб чиқаришнинг иккинчи навбати ишга туширилса «Н» шахри атм. Хавосида бу моддаларнинг йул қуйиладиган микдоридан ошиб кетмайдими, шу масалани хал қилинади. Бунинг учун олтингугурт газининг микдорини 2-навбати қурилишида «Н» шахридаги микдори қуйидаги тенглама билан аниқланади:

$$C_{1500} = C_m \cdot S$$

S-ни №7 жадвал орқали нисбатлардан топамиз:

$$\frac{X}{X_m} = \frac{1500}{1000}$$

$$\text{бунда } S_1 = 0,9;$$

Бу холда

$$C_{1500} = 0,5 * 0,9 = 0,45 \text{ мг/м.куб.}$$

«Н» шахри хавоси Фан ҳолатини хисобга олган холда ифлослантирувчиларни микдорини аниқлаймиз:

$$\frac{0,45 + 0,25}{0,5} \quad \frac{0,1}{0,3}$$

Бундан маълум булдики бекарор йигинди микдори 1,7 йул қуйиладиган микдоридан (1,0) ошиқ экан.

### **Хулоса.**

Сульфат кислота ишлаб чиқаришнинг иккинчи навбатини қурилиши, асосий ишлаб чиқаришнинг атмосферага чиқараётган ифлосликларини камайтирмаган ҳолда мумкин эмас. Чунки утказилган текшириш ҳисоблар натижаларига қура «Н» шахрининг атм. Хавосини олтингугурт газининг қушилиб ифлослантириши натижасида ЙКМдан анча ошиб кетиши қутилмоқда.

### **№ 2 Вазиятли масала.**

«К» шахридан 1,5 км узоқликда сульфат кислота ишлаб чиқаришнинг иккинчи навбати қурилиши мулжалланмоқда. Ҳисобларга қура олтингугурт газининг қутилаётган максимал миқдори ( $C_m$ ) иккинчи навбат қорхонанинг факели остида 1000 м ( $X_m$ ) да аниқланиши ва унинг 0,5 мг/м.куб.ни ташкил қилиши қутилмоқда. Ҳозирда эса «К» шахри атмосфера хавосида  $SO_2$  нинг максимал бир маротабалик миқдори 0,15 мг/м.куб.н ташкил этади, сульфат кислотасининг аэрозоллари миқдори 0,1 мг/м.куб.ни ташкил этади

Қорхонанинг иккинчи навбати ишга туширилганида шароит қай ҳолда бўлишига ҳулоса Беринг.

### **Масаланинг ечилиши.**

Олтингугурт газининг миқдори факсининг ерга тушиш жойида ЙКМдан ошмайди. Лекин «К» шахри хавосида олтингугурт газини ва сульфат кислота аэрозолини қушилиб таъсир этиш фон миқдори:

$$\frac{0,15}{0,5} + \frac{0,1}{0,3}$$

ЙКМ (1) дан ошмайди.

Агарда ишлаб чиқаришнинг иккинчи навбати ишга туширилса «К» шахри атмосфера хавосида бу моддаларнинг йул қуйиладиган миқдорларидан ошиб кетмайдими, шу масалани ҳал қилинади. Бунинг учун олтингугурт газининг миқдорини 2-навбати қурилишида «К» шахридаги миқдори қуйидагича тенглама билан аниқланади:

$$C_{1500} = C_m * S$$

$S_1$  – ни жадвал орқали топилади:

$$\frac{X}{X_m} = \frac{1500}{1000}$$

бу ҳолда  $S_1 = 0,9$

Бу ҳолда  $C_{1500} = 0,5 * 0,9 = 0,45$  мг/м.куб.

«К» шахри хавоси фон ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ифлослантирувчиларни миқдорини аниқлаймиз:

$$\frac{0,45}{0,5} + \frac{0,25}{0,3}$$

Бундан маълум бўлдики беқарор йигинди миқдори 1,7 ЙКМ() дан ошди.

Ҳулоса.

Сульфат кислота ишлаб чиқаришнинг иккинчи навбати қурилиши асосий ишлаб чиқаришнинг атмосферага чиқараётган ифлосликларини камайтирмаган ҳолда, мумкин эмас, чунки утказилган текшириш ҳисоблар натижаларига қура «К» шахрининг атм. Хавосини олтингугурт газининг қушилиб ифлослантириши натижасида ЙКМдан анча ошиб кетиши қузилмоқда.

## Масала №2

Сурхон воҳаси шимолида «А» кишлоғи яқинида минерал уғитлар заводи қурилиши мулжалланмоқда. Заводдан чиқадиган чиқинди газлар таркиби:

1. Олтингугурт гази – 70 гр/сек.
2. Аммиак (М) – 60 гр/сек
3. Чиқариладиган газ ҳажми – 100 м.куб /сек.
4. Газнинг ҳарорати – 125 С
5. Энг иссиқ ойда ҳаво ҳарорати – 25 С
6. Муркон баландлиғи – 100 м.
7. Параметр

## Вазиятли масала №-1

К аҳоли зич яшайдиган ҳудудда иссиқлик ажратувчи қозонхона қуриш режалаштирилди. Аҳолининг иссиқлик истеъмоли 200 тоннани ташкил этади. Бир соатда истеъмол кўмирнинг миқдори 528 тоннани ташкил этади. Мўриконлар тутунларини тозалаш электрофилтрлар орқали амалга оширилади.

Ҳосил бўладиган чанг,  $SO_2$  ва азот оксидини миқдорини топинг.

Ечим:

1. Чанг миқдорини топиш:

$A_{\text{олиб кетиш}} = 0,1 * A_p * a_{\text{ок}}$

$A_{\text{о.к}} = 0,1 * 11,3 * 85 = 101,3 \text{ Г/КГ}$

2. Чала ёниш маҳсулотлари қўйидаги формула билан топилади:

$A_{\text{о.к}} = 25 * 0,5 * 28 = 11\%$

3. Чангни умумий олиб кетилиши қўйидаги формула билан топилади:

$\text{Олиб кетиш} = A * 100 / 100 - C = 101,15 * 100 / 100 - 11 = 113,65 \text{ г/кг}$

4. Электрофилтр чиқинди таркибидаги 38% чангни йўқатади.

$113 - 65 = 100\%$

$x - 2 \quad x = 2,27 \text{ г/кг}$

5. 528 тонна кўмир ёқилганда атмосфера ҳавосига чиқади:

$528000 * 2,27 = 1198560$

1 1 кг кўмирни ёқиш натижасида атмосфера ҳавосига чиқадиган  $SO_2$  газининг миқдори қўйидаги формула билан топилади:

$SO_2 = 10 * SP * 2$

$SO_2 = 10 * 0,4 * 2 = 8$

528000 ёқилганда эса

$528000 * 8 = 4224000 \text{ г/соат} = 1173 \text{ г/соат}$

2 Азот оксидини топиш эса:  $M_{NO_2} = 26 * V_1 * A_k$

$A_k = D_k / 1000 * D_k \quad D_k$  – қозонхонанинг иш қуввати

$A_k = 200 \text{ т/соат} / 1000 + 200 = 0,166$

Кўмирнинг иссиқлик ҳосил қилиш хусусияти 6200 ккал/кг

1 кг – 7000 ккал

$x - 6200 \text{ ккал} \quad x = 6200 / 7000 = 0,885$

$528 \text{ т/соат} * 0,885 = 467,28 \text{ соат/т}$

$M_{NO_2} = 26 * 0,166 * 467,28 = 2016,65 \text{ кг/соат} = 560,18 \text{ г/сек}$

Хулоса: Ҳисоб-китобга кўра атмосфера ҳавосига 332 г/сек-чанг, 561 г/сек ажралиб чиқади. Бу эса СМ нинг максимал чегараси бўлиб ҳисобланади.

### **Вазиятли масала N-2**

Аҳолисининг сони 200000 бўлган шаҳарча яқинида қора металлургия заводи ишга тушириш режалаштирилди. Шаҳар атрофида бу корхонадан ташқари электрод ишлаб чиқарувчи завод фаолият юритади. Шаҳар атрофи яшил ўсимликларнинг 10 м қатори мавжуд. СХМ минтақаси 100 м ташкил этилади. Шу ҳолат юзасидан ўз хулосангизни беринг.

#### **Масала ечими:**

1. Қора металлургия комбинати учун ташкил этиладиган СХМ Сан Қ ва М бўйича ( 0006-93) 500 м кам бўлмаслиги керак.
2. Электрод ишлаб чиқариш заводи учун эса СХМ-камида 300 м дан кам бўлмаслиги керак.
1. СХМ да ташкил этилган яшил ўсимликлар кенглиги 50 м дан кам бўлмаслиги керак.
2. Қора металлургия ва электрод ишлаб чиқариш заводини бир-бирига яқин жойлаштиришдан олдин, атмосфера ҳавосидаги фон концентрациясини аниқлаш керак,

### **Вазиятли масала N-1**

А қишлоғи атрофига 5000 та бошли мол сақлаш учун ферма қурилиши режалаштирилди.

Бу ферма учун қозонхона, гўнг сақлаш омбори ва 200 та машина сақланадиган гараж қуриш режалаштирилди. Қозонхонадан ажраладиган чиқиндилар характери:

1. чанг-5 г/сек
2. SO<sub>2</sub>-10 г/сек
3. ташланадиган газ ҳажми-10 м<sup>3</sup>/сек
4. газнинг ҳарорати -525градус С
5. йилнинг энг иссиқ ойида ҳарорат -25 градус С
6. чиқинди ташланадиган баландлик-40м
7. параметр -0.5

Шу ҳолат бўйича ўз хулосангизни беринг.

### **Вазиятли масала N-2**

К шаҳрининг иккинчи навбатдаги қурилишида металлургия камбинатини қуриш ва селетив минтақани қуриш, кенгайтириш режалаштирилмоқда қозонхона ажратадиган чиқинди характери:

1. чанг-10г/сек
2. NO<sub>2</sub>-6г/сек
3. ташланадиган газ ҳажми -100м<sup>3</sup>/сек
4. газ ҳарорати -85 градус С
5. чиқинди баландлиги -80м
6. параметр -0.5

## Вазиятли масала 1

(71) Шахридан 1.5 км масофада сульфат кислота ишлаб чиқарувчи фабрика режалаштирилмоқда кутиладиган максимал концентрацияни ўлчаш ва у 0.5мг/м<sup>3</sup>ни ташкил қилади. Хозирги кунда (н) шахри атмосфера хавосидаги So<sub>2</sub> нинг максимал бир марталик концентрацияси 0.25мг/м<sup>3</sup>, сульфат кислота аэрозоллари эса 0.1мг/м<sup>3</sup>ни ташкил этади. Юқоридаги ҳолат бўйича ўз ҳулосангизни беринг.

Ечими:

So<sub>2</sub> газининг концентрацияси РЭМ даражасида. Аммо “Н” шахрида S<sub>02</sub> гази ва сульфат кислота аэрозолларининг фон концентрацияси аниқланди. Бу моддаларни суммар йиғиндисини куйидаги кўринишда бўлади.

$$0.25/0.5 + 0.1/0.3 = 0.8 \quad (\text{РЭМдан ортик эмас})$$

Янги заводнинг иккинчи навбати қурилиши атмосфера хавосини кучли ифлослантирмаслигини аниқлаймиз. Бунда сульфат кислотанинг концентрациясини манбадан 1500м масофада аниқлаймиз.

$$C_{1500} = C_m \cdot S_i$$

$$X/X_m = 1500/1000 = 1.5$$

$$S_1 = 0.9$$

$$C_{1500} = 0.5 \cdot 0.9 = 0.45 \text{ мг/м}^3$$

Фон концентрациясини ҳисобга олган ҳолда аниқлаймиз.

$$0.45 + 0.25/0.5 + 0.1/0.3 = 1.7$$

Суммар концентрация 1.7 бўлиши РЭМдан ортик.

Хулоса. Сульфат кислота ишлаб чиқарувчи заводнинг иккинчи навбатини қуриш мумкин эмас, чунки у атмосфера хавосига кўшимча ифлантирувчи манбалардан тўйинади. Демак уни қуриш мумкин эмас.

## Вазиятли масала №2

Тиббий кўрикларда машинасозлик заводи бўяш цехи ишчиси тез тез бурун қонаш тери ости қон қуйилиши боғлиқ бош айланиши, сержахиллик сустлик ва иштаха йўқлиги каби шикоятларни айтди. Қон лаборатория таҳлилида эритроцитлар 31000, лейкоцитлар 3500 тромбоцитопения ва лимфоцитоз аниқланди. Тиббий кўрик шу йили март ойида терапевт ва невропатолог томонидан ўтказилган. Ишчи цехда саккиз йилдан бери ишлайди. Бўёқлар асосан бензолда эритилади. Иш жараёнида бензолнинг хаводаги миқдори 45мг/м<sup>3</sup>. Иш хонасида умумий хаво алмаштирувчи ва маҳаллий хаво тортивчи ўрнатилган. Олдинги кўрик икки йил аввал феврал ойида ўтказилган.

1. кўрик ССВнинг 300-буйруғи талабига жавоб берадими.

2. Иш шароитларига, ишчи саломатлигига баҳо бериб керакли чораларни белгиланг.

### Жавоби.

1. Тиббий кўрик 300-буйруқ бўйича олиб борилади. Бу буйруққа асосан бензол билан ишлайдиган цехдаги ишчилар бойда бир марта тиббий қуриқдан ўтказилиши керак. Комиссия таркибига терапевт, невропатолог окулист, акушер гинеколог қиради. Лаборатория анализларидан: гемоглабин эритроцит лейкоцитар формула ва ЭЧТ протромбин индекси аниқланади.

2. Ишчи қон анализидан лейкопения ва тромбоситопения аниқланган ишчи бензол билан захарланган, уни тезлик билан қасб қасалликлар ўйфохонасига

ёткизилиши керак. Ишчи зонасида бензол миқдори 9 марта ортик ( $45 \text{ мг/м}^3$   $5 \text{ мг/м}^3 = 9$ )

Цехдан маҳаллий ҳаво олиб кетучи вентиляция нотўғри ўрнатилган бўлиши, сўриб олувчи шкафларда олиб борилиши керак ёки ён томондан олиб кетувчи вентиляция мосламалари ўрнатилиши керак. Даврий тиббий кўрикларни ўз вақтида ўтказиш керак.

### **Вазиятли масалалар**

1) 13 январ куни соат 9.30 да электропайвандлаш участкаси ишчиси (врач) кўзида қаттиқ оғриқ пайдо бўлгани, ёруғликка қарай олмаслигига шикоят билан мурожат қилди. Врач беморга электроофтальмия диагнозини қўйиб касалхонага ётқазди. Бу ҳақидаги хабарни ДСЭНМга касалхона эртаси куни соат 17.00 да жўнатилди. Касаллик сабабларини аниқлаш мақсадида меҳнат гигиенаси врачлари ишлайдиган корхонага 15 январ эрталаб келди.

1. ўткир касб касаллиги ҳақидаги шошилиш хабар ўз вақтида юборилганми?
2. меҳнат гигиенаси врачлари текширувларни ўз вақтида ўтказдимиз?
3. касб касаллиги сабабларини аниқлашда қимматли шикоятлар ва қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?

2) Район шифохонасига пахта тозалаш заводи ишчиси астма оид компонентли бронхит ва юрак қон томир фаолиятини сустлиги сабабли келтирилган рентгендан ўтказилганда ўпкада эмфизема аниқланди. Ишчи пахта заводидаги стажини 15 йил. Заводда уч йилдан буён тиббий кўриклардан (ПМО) ўтмаган. Ишчи 10 январда пневмокониоз диагнозига текширишга юборилган бўлиб, 25 январда диагноз тасдиқланган.

2 февралда касалхона хабарномани (сурункали касб касаллиги тўғрисида) ДСЭНМ меҳнат гигиенаси врачлари хабарномани 6 февраль куни олган ва 11 февраль куни касаллик содир бўлган корхонага бориб, касаллигини сабабларини текширган. Текшириш натижасида шуни аниқлашдики ишчи ишлаётган цех ҳавосида чанг миқдори  $40 \text{ мг/м}^3$  унинг таркибида  $28.6\% \text{ SiO}_2$  бор ( $\text{PEM } 2 \text{ мг/м}^3$ )

Ишчилар респиратор билан таъминланган, техника ҳавфсизлиги тўғрисида инструктаж ўтказилган.

Цехга умумий ҳаво берувчи вентиляция ўрнатилган, маҳаллий ҳаво сўрувчи (вентиляция) эса 5 ойдан бери ишламайди.

1. касб касаллигини келиб чиқиш сабабларига ва хабарнома муддатларига баҳо бериш
2. касб касаллигини олдини олиш учун қандай курашиш керак?

### **Вазиятли масала 1**

(71) Шахридан 1.5 км масофада сульфат кислотаси ишлаб чиқарувчи фабрика режалаштирилмоқда кутилаётган максимал концентрацияни ўлчаш ва у  $0.5 \text{ мг/м}^3$  ни ташкил қилади. Ҳозирги кунда (н) шахри атмосфера ҳавосидаги  $\text{SO}_2$  нинг максимал бир марталик концентрацияси  $0.25 \text{ мг/м}^3$ , сульфат кислотаси аэрозоллари эса  $0.1 \text{ мг/м}^3$  ни ташкил этади. Юқоридаги ҳолат бўйича ўз ҳулосангизни бериш.

Ечим:

So<sub>2</sub> газининг концентрацияси РЭМ даражасида. Аммо “Н” шахрида SO<sub>2</sub> гази ва сульфат кислота аэрозолларининг фон концентрацияси аникланди. Бу моддаларни суммар йиғиндиси куйидаги кўринишда бўлади.

$$0.25/0.5+0.1/0.3=0.8 \quad (\text{РЭМдан ортик эмас})$$

Янги заводнинг иккинчи навбати курилиши атмосфера хавосини кучли ифлослантирмаслигини аниклаймиз. Бунда сульфат кислотанинг концентрациясини манбадан 1500м масофада аниклаймиз.

$$C_{1500}=C_m \cdot S_i$$

$$X/X_m=1500/1000=1.5$$

$$S_1=0.9$$

$$C_{1500}=0.5 \cdot 0.9=0.45 \text{ мг/м}^3$$

Фон концентрациясини хисобга олган холда аниклаймиз.

$$0.45+0.25/0.5+0.1/0.3=1.7$$

Суммар концентрация 1.7 бўлиши РЭМдан ортик.

Хулоса. Сульфат кислота ишлаб чиқарувчи заводнинг иккинчи навбатини куриш мумкин эмас, чунки уатмосфера хавосига кўшимча ифлонтурувчи манбалардан тўйинади. Демак уни куриш мумкин эмас.

### **Вазиятли масала №2**

Тиббий кўрикларда машинасозлик заводи бўяш цехи ишчиси тез тез бурун конаш тери ости кон куйилиши боў огриги бош айланиши, сержахиллик сустлик ва иштаха йўклиги каби шикоятларни айтди. Кон лабаратория тахлилида эритроцитлар 31000, лейкоцитлар 3500 тромбозитопения ва лимфоцитоз аникланди. Тиббий кўрик шу йили март ойида терапевт ва невропатолог томонидан ўтказилган. Ишчи цехда саккиз йилдан бери ишлайди. Бўёклар асосан бензолда эритилади. Иш жараёнида бензолнинг хаводаги микдори 45мг/м<sup>3</sup>. Иш хонасида умумий хаво алмаштирувчи ва махаллий хаво тортивчи ўрнатилган. Олдинги кўрик икки йил аввал феврал ойида ўтказилган.

1. кўрик ССВнинг 300-буйруги талабига жавоб берадимиз.

2. Иш шароитларига, ишчи саломатлигига баҳо бериб керакли чораларни белгиланг.

### **Жавоби.**

1. Тиббий кўрик 300-буйрук бўйича олиб борилади. Бу буйрукка асосан бензол билан ишлайдиган цехдаги ишчилар бойда бир марта тиббий куриктан ўтказилиши керак. Комиссия таркибига терапевт, невропатолог окулист, акушер гинеколог киради. Лабаратория анализларидан: гемоглабин эритроцит лейкоцитар формула ва ЭЧТ протромбин индекси аникланади.

2. Ишчи кон анализидан лейкопения ва тромбозитопения аникланган ишчи бензол билан захарланган, уни тезлик билан касб касалликлар ўифохонасига ётқизилиши керак. Ишчи зонасида бензол микдори 9 марта ортик (45мг/м<sup>3</sup> 5мг/м<sup>3</sup>=9)

Цехдан махаллий хаво олиб кетучи вентиляция нотўғри ўрнатилган бўлиши, сўриб олувчи шкафларда олиб борилиши керак ёки ён томондан олиб кетувчи вентиляция мосламалари ўрнатилиши керак. Даврий тиббий кўрикларни ўз вақтида ўтказиш керак.

### **Вазиятли масалалар**

1) 13 январ куни соат 9.30 да электропайвандлаш участкаси ишчиси (врач) кўзида қаттиқ оғриқ пайдо бўлгани, ёруғликка қарай олмаслигига шикоят билан муружат қилди. Врач беморга электроофтальмия диагнозини қўйиб касалхонага ётказди. Бу ҳақидаги хабарни ДСЭНМга касалхона эртаси куни соат 17.00да жўнатилди. Касаллик сабабларини аниқлаш мақсадида меҳнат гигиенаси врачлари ишлайдиган корхонага 15 январ эрталаб келди.

1. ўткир касб касаллиги ҳақидаги шошилиш хабар ўз вақтида юборилганми?
2. меҳнат гигиенаси врачлари текширувлари ўз вақтида ўтказилди?
3. касб касаллиги сабабларини аниқлашда қимматлироқ эстади ва қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?

2) Район шифохонасига пахта тозалаш заводи ишчиси астмаид компонентли бронхит ва юрак қон томир фаолиятини сустлиги сабабли келтирилди рентгендан ўтказилганда ўпкада эмфизема аниқланди. Ишчи пахта заводидаги стажи 15 йил. Заводда уч йилдан буён тиббий кўриклардан (ПМО) ўтмаган. Ишчи 10 январда пневмоканиоз диагнозига текширишга юборилган бўлиб, 25 январда диагноз тасдиқланган.

2 февралда касалхона хабарномани (сурункали касб касаллиги тўғрисида ) ДСЭНМ меҳнат гигиенаси врачлари хабарномани 6 февраль куни олган ва 11 февраль куни касаллик содир бўлган корхонага бориб, касаллини сабабларини текширган. Текшириш натижасида шуни аниқлашдики ишчи ишлаётган цех хавосида чанг миқдори 40 мг/м<sup>3</sup> унинг таркибида 28.6 % SiO бор (РЕМ 2мг/м<sup>3</sup>)

Ишчилар респиратор билан таъминланган, техника хавфсизлиги тўғрисида инструктаж ўтказилган.

Цехга умумий хаво берувчи вентиляция ўрнатилган, маҳаллий хаво сўрувчи (вентиляция) эса 5 ойдан бери ишламайди.

3. касб касаллигини келиб чиқиш сабабларига ва хабарнома муддатларига баҳо бериш
4. касб касаллигини олдини олиш учун қандай курашиш керак?

### **Вазиятли масала №1**

«М» шаҳри яқинида қора металлургия заводини куриш режалаштирилади. Бу ишлаб чиқариш корхонаси аҳолии турар жой минтақасида жойлаштиришда шу корхонадан ажралиб чиқадиган зарарли моддалар:

1. Ташланадиган газ ҳажми - 200м<sup>3</sup>/сек
2. газ - 250г/сек
3. аммиак миқдори - 250г/сек
4. азот оксиди - 55г/сек
5. трубадан чиқадиган газ - 0,6
6. газ баландлиги - Н - 130м
7. ташланадиган ва атроф – муҳит ҳарорати ўртасидаги фарқ –Т-100 С

### **Ечими:**

Атмосфера хавосига ташланадиган чиқиндини ер юза сатҳидаги концентрациясини қуйидаги формула билан топилади: моддаларнинг йиғинди миқдорини Аберянов формуласи билан ҳисоблаб, уларнинг суммар йиғиндиси



топилади. Шу концентрация аниқланадиган ҳудудни куйидаги формула билан топилади:

Хулоса: бу ишлаб чиқариш корхонасини жойлаштириш мумкин эмас, чунки бу корхона ажратадиган моддаларнинг суммар йигиндиси 1 дан ортик кетган, бу эса фан концентрация яшовчи аҳолига зарарли таъсир курсатади

## **Вазиятли масала №2**

Аҳолисининг сони 250000 булган кичик шаҳарга яқинида, 500 м масофада кора металлургия заводини куриш режалаштирилди. Шаҳарча аҳолисидан хосил буладиган суюк чиқиндини зарарсизлантириш учун эса фильтрация майдонлари ташкил этилади, уларнинг СХМ ни эса 100 м ни ташкил этади. Корхона билан аҳоли пункти уртасида яшил усимликлар экрани булиб унинг кенглиги 25 м. Шу холат бўйича ўз хулосангизни беринг.

### **Ечими:**

1. СанҚ ва М №0006-93 бўйича ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасига уни зарарли омилига караб СХМ белгиланган. Кора металлургия комбинати учун СХМ 1000 м. Масала шартида эса у 500 м, демак бу етарли эмас.
2. Суюк чиқиндини зарарсизлантирувчи фильтрация даласи тугри ташкил этилган булиб, СХМ ҳам етарли.
3. Корхона атрлфида ташкил этилган яшил ўсимликлар девори 25 м, бу етарли эмас, бу экран камида 100 м ни ташкил этиши керак.

Хулоса: Юқоридагиларни ҳисобга олиб, шундай хулосага келинди. Режалаштирилаётган корхонани куриш нотўғри.

## **Масала № 1**

«К» шахридан 1,5 км узокликда сульфат кислота ишлаб чиқаришнинг иккинчи навбати курилиши мулжалланмоқда. Хисобларга кура олтингугурт газининг кутилаётган максимал микдори (См) иккинчи навбат корхонанинг факели остида 1000 м (Хм) да аниқланиши ва унинг 0,5 мг/м.куб.ни ташкил килиши кутилмоқда. Хозирда эса «К» шахри атмосфера хавосида SO<sub>2</sub> нинг максимал бир маротабалик микдори 0,15 мг/м.куб.н ташкил этади, сульфат кислотасининг аэрозоллари микдори 0,1 мг/м.куб.ни ташкил этади

Корхонанинг иккинчи навбати ишга туширилганида шароит кай холда булишига хулоса беринг.

## **Масала № 2**

Навоий вилоятида «М» кишлоги яқинида асфальт-бетон заводи курилиши мулжалланмоқда, у атмосферага куйидаги моддаларни чиқариши тахмин килинмоқда:

1. Чанг (М) – 10 гр/сек.
2. Углерод оксиди (М) – 8 гр/сек.
3. Чиқариладиган газ хажми – 50 куб.м./сек.
4. Энг иссик ойда хаво харорати 30 С
5. Газлар харорати (Т2) - 230 С
6. Муркон баландлиги – 40м.

## 7. Параметри – 0,5

### Вазиятли масала №1

Олмалиқ шахрида сунъий тола заводи режалаштирилди. Бу корхонадан атмосферага қуйидаги чиқиндилар ажратилади:

- ажралувчи газлар ҳажми ( $V_1$ ) =50м<sup>3</sup>/сек
- тозалангандан сўнг зарарли моддалар миқдори
- углерод оксиди 20г/сек
- олтингугурт 1.0 г/сек
- димила 10г/сек

Трубанинг баландлиги (Н) 100м

Ташланадиган газ ва атроф муҳит ҳарорати орасидаги фарқ(Т) 120 0С

Газни трубадан чиқиш шарт шароитини белгиловчи катталиқ (F) 0.5м/с<sup>2</sup>

град

#### Масала ечими:

Дастилаб ифлослантирувчи манбаларнинг ер усти концентрациясини топамиз.

$$C_m = A * M * F * m * n * G$$

Бунинг учун дастилаб топамиз:

А)  $m=1.0$

Б)  $VM=2.5$

В)  $n=1$

Г)  $G=5*10^{-6}$

Д)  $C_m H_2S = 200 * 4 * 5 * 10^{-6} = 0.001 \text{ mg/m}^3$

$$C_{\text{динил}} = 200 * 10 * 3 * 5 * 10^{-6} = 0.01 \text{ mg/m}^3$$

$$C_m CS_2 = 200 * 20 * 3 * 5 * 10^{-6} = 0.02 \text{ mg/m}^3$$

Олтингугурт ва динил йиғилиш хусусиятига эга бўлгани учун уларни су Уларни суммар концентрацияси топилади.

$$0.001/0.008 + 0.01/0.01 = 1,125 \text{ (РЭМдан ортиқ)}$$

Олтингугурт углерод бирикмасининг миқдори эса РЭМдан ошмайди.

Энди манбадан қанчамасофада моддаларнинг максимал концентрацияси кузатилиши топилади.

$$XM = H * M$$

$$XM = 13 * 100 = 1300$$

Аҳоли пункитигача фактик масофани топамиз. У-2800м тенг.

$$2800/1300 = 2,1 \quad S = 0.8$$

Олтингугурт ва динила моддасининг умумий йиғиндисини ишлаб чиқариш корхонасидан 2800м топиш мумкин.

$$C_{2800} = 1,125 * 0,8 = 0,3 \text{ демак бу, } 1,0 \text{ дан кам бўлар экан.}$$

Олтингугурт моддасининг якка учраши эса 1300м дан РЭМ даражасида бўлади.

Хулоса: Сунъий тола ишлаб чиқарувчи корхонани белгиланган майдонга жойлаштириш мумкин.

### Вазиятли масала: №2

Ахоли турар жой минтақасини чегаврасида механика заводини куриш режалаштирилмоқда. Бу корхона учун ташкил этиладиган СХМ кейинчалик заводнинг кенгайиши хисобига 12 марттагача юритиши мумкин. Ахоли турар жой бинолари томонига корхонадан чиқадиган чанг шовқин вибрацияни камайтириш мақсадида кенглиги 10 м ли кўкаламзорлаштирилган худуд режалаштирилмоқда. Шу холат юзасидан сизнинг хулосангиз.

#### **Масала ечими.**

1. Атмосфера хавосини ифлосланттирувчи ишлаб чиқариш корхоналари учун СХМ ташкил этиш шарт. Масаладан механика заводи учун СХМ улчами 500м кам булмалиги зарур.

2. Завод атрофида ташкил этиладиган СХМ улчами эса кўпи билан 10 мартагача кенгайтириши мумкин.

3. Атрофда ташкил этиладиган яшил усимликлар кенглиги эса 50-20 м. булиши лозим. Мисолда у жуда кам берилган.

Хулоса: Демак юкорида холатни хисобга олсак механика заводини бу худидга жойлаштириш катъиян такикланади.

#### **Вазиятли масала №1**

(А) посёлкада минирал ўғитлар ишлаб чиқарувчи завод режалаштирилди. Бу заводнинг атмосфера хавосига ташлайдиган чиқиндилари куйидаги характерга эга

1. олтингугурт гази 70г/сек
2. амиак 60г/сек
3. ташланадиган газлар хажми 100м<sup>3</sup>/сек
4. газларнинг харорати 125 0С
5. энг иссиқ ойларда ўртача 25 0С
6. чиқиндиларни ташлайдиган баландлик 100м
7. параметир 0.6

Бу ишлаб чиқариш корхонаси жойлаштириш холатига ўз хулосангизни беринг

#### **Вазиятли масала №2**

Сирдарё вилоятининг Гулустон шахрида 3та микрораён куриш режалаштирилмоқда. Бу худуддаги ишлаб чиқариш зонасига сабзавотлар омбори, гўшт омбори куриш хам режалаштирилди. Бу ишлаб чиқариш корхоналар атмосфера хавосига ташлайдиган чиқиндилар:

1. чанг 20 г/сек
2. олтингугурт гази 15 г/сек
3. ташланадиган газ хажми 120 м<sup>3</sup>/сек
4. газларнинг харорати 150 0С
5. ташланадиган чиқинди баландлиги 60м
6. параметирлар 0.6

бу ишлаб чиқариш корхонасини жойлаштиришга кўйиладиган талаблар ва уларга хулоса беринг.

#### **Вазиятли масала №1.**

"К" шахри учун иссиқлик станцияси куриш учун режалаштирилди. Бу станцияда иссиқлик ҳосил қилиш учун 1 кунда 200 тонна буғ зарур бўлади. Бунинг учун П.С. маркали кўмирни 1 соатда ёқиш керак. Тозалаш ишлари электрофилтрларда амалга оширилади. Чанг миқдори, ангидрид ва азот оксиди миқдорини топинг.

### Масаланинг ечими

I. Чанг миқдорини аниқлаш.

1. 1 кг ёқилган ёқилғидаги кулнинг миқдори қуйидаги формула билан топилади:

$$A_{ун} = 0,1 * A_p * a_{ун}$$

$A_p$  – оддий кўмирдаги кулнинг фоизлардаги ифодаси У табица бўйича - 11,9 га тенг.  $A_{ун}$  – газ билан олиб кетиладиган кулнинг фоизлардаги нисбати. У табица бўйича 85 га тенг.

$$A_{ун} = 0,1 * 11,9 * 85 = 101,15 \text{ г/кг ёқилган кўмир .}$$

2. Ёқилмаган кўмирнинг формуладаги нисбати  $C_{ун} = 25 - 0,5 * V_T$  формула билан топилади.

$V_T$  – учувчи моддаларнинг фоизлардаги нисбати. У табица бўйича 28 га тенг.

$$C_{ун} = 25 - 0,5 * 28 = 11.$$

3. Чангнинг умумий олиб кетилиши қуйидаги формула билан топилади :

$$O.K. = \frac{A_{o.k.} \cdot 100}{100 - C_{o.k.}} = \frac{101,15 \cdot 100}{100 - 11} = 113,65 \text{ г/кг}$$

4. Электрофилтр ёрдамида 98 % чанг ушлаб қолинади. Демак, атмосфера ҳавосига 2 % чанг чиқарилади.

$$113,65 - 100\%$$

$$x - 2$$

$$x = 2,27 \text{ г/кг}$$

5. 528 тонна кўмирни ёқилиши натижасида атмосфера ҳавосига тушадиган чанг миқ-

дорини топиш:

$$528000 * 2,27 = 1198560 \text{ г/соат} = 332 \text{ г/сек}$$

II. 1 кг кўмирни ёқилиши натижасида ҳосил бўладиган углерод газини формула билан

топилади:

$$SO_2 = 10 * S_p * 2$$

$S_p$  – углероднинг фоизлардаги нисбати. У 0,4 тенг

$$SO_2 = 10 * 0,4 = 8 \text{ г/кг}$$

528000 кг/соат кўмир ёқилганда ҳосил бўладиган  $SO_2$  газини топилиши

$$M(SO_2) = 528000 * 8 = 4224000 \text{ г/соат} = 1173 \text{ г/сек}$$

III. Азот оксидларини топиш ҳам формула билан топилади:

$$MNO_2 \text{ кг/соат} = 26 * B * AK.$$

$AK$  = буғли қозонхоналарга ҳосил бўладиган ююю орқали аниқланади.

$$AK = \frac{D_k}{1000 \cdot D_k}$$

$D_k$  – қозонхонанинг 1 соатдаги қуввати.

$$A_k = \frac{200m / \text{соат}}{1000 \cdot 200} = 0,166$$

$V'$  - иссиқликни бир соатлик сарфланиши. У 7000 ккал/кг.

Бизнинг мисолимиздаги кўмирнинг иссиқлик ажратиш хусусияти -6200 ккал/кг.га тенг.

1кг - 7000 ккал/кг

x - 6200 ккал/кг

$$x = \frac{6200}{7000} = 0,885$$

528 т/соат \* 0,885 = 467,28 т/соат

$M_{NO_2} = 26 * 467,28 = 2016,65$  кг/соат = 560,8г/сек

**Хулоса:** 200 тонна буғ хосил қилиш учун ёқиладиган 528 тонна кўмирни ёқишда атмосфера ҳавосига 332 г/сек чанг, 561г/сек азот оксиди ва 1173г/сек углерод ангидрид ташланади. Бу ер усти моддалар концентрацияси гигиеник жиҳатдан қониқарли ҳисобланади.

### Вазиятли масала №2.

Фарғона вилоятидаги „Б” шахрида ТЭЦ қурилиш режалаштирилмоқда. Унда тозалагандан сўнг ҳосил бўладиган ташландиқ чиқиндилар:

Мчанг - 332 г/сек

$M_{NO_2}$  - 561г/сек

$M_{SO_2}$  - 1173г/сек

Ташланадиган газлар ҳажми-  $V = 980$  м /сек;

-газлар ҳарорати-  $T = 150$  С

-энг иссиқ ойлардаги чиқиндининг ҳарорати -  $T = 25$  С

-чиқиндини ташлаш баландлиги  $H = 240$  м

-трубадан чиқадиган чиқиндини ташлаш шароити  $f = 0,6$

Бу ТЭЦ ни шу ҳудудга жойлаштиришга лойиқ эканлигини гигиеник асосланг.

### МАСАЛАНИНГ ЕЧИМИ.

I. Максимум ер усти концентрациясини аниқлаш формуласи :

$$C = A * M * F.m.n * G$$

Бунинг учун топилади:

1)  $m$  ва  $f$  ни .Уларни махсус формула билан ҳисоблаб топилади.

2)  $V * \Delta T = 1.2 \cdot 10^4$  ва  $H = 240$ м

3)  $V_m = 2,7$  „ $n = 1$ ” ни эса графикдан топилади.

4) „ $F$ ” чанг учун = 2  $NO_2$  ва  $SO_2$

5) „ $A$ ” Фарғона учун = 200

$C_m \text{ чанг} = 200 * 332 * 2 * 1 * 1 * 7 * 10^{-7} = 0.0929$  мг/ м<sup>3</sup>

$C_m \text{ NO}_2 = 200 * 560 * 1 * 1 * 1 * 7 * 10^{-7} = 0.0785$  мг/м<sup>3</sup>

$C_m \text{ SO}_2 = 200 * 1173 * 1 * 1 * 1 * 7 * 10^{-7} = 0.164$  мг/ м<sup>3</sup>

II.  $X_m = H * d$

$V_m = 2 * 7$  ва  $f = 0.6$   $d = 14$

$X_m = 240 * 14 = 3360$  м.

Бу масофада  $C_m$  чанг учун ўрнатилган меъёрдан ошмаган. Углерод ангидрид ва азот оксиди йиғилиш эффектига эга.

$$\frac{0.164}{0.5} + \frac{0.0785}{0.085} = 1.25$$

Вазиятли режага кўра аҳоли турар жой зонаси 4-5 км масофада жойлашади, дам олиш зонаси эса – 6 км.

Углерод ангидрид ва азот оксидининг тўпланиш концентрацияси 5 км масофада бўлиши мумкин.

$$\frac{X}{X_m} = \frac{5000}{3360} = 1,48$$

$$C 5000 = 1.25 \cdot 0.9 = 1.125$$

Бу РЭМ дан 1.0% га ортиқ

Дам олиш зонасида эса:

$$\frac{6000}{3360} = 1,78 \quad \text{бунда, } S = 0.85$$

$$C 6000 = 1.25 \cdot 0.85 = 1.06$$

Бу ҳам РЭМ дан 0.8 % га ортиқ.

### **Хулоса.**

Режалаштириладиган ТЭЦ ни бу ҳудудда жойлаштириш мумкин эмас, ҳисобларга кўра илтиб ва дам олиш зонасидаги углерод ангидрид ва азот оксиди миқдори РЭМдан юқори.

### **Вазиятли масала. №1**

Навоий кўмир қонида олинган кўмирни ТЭЦ ларда ёқиш ва ундан иссиқлик аппаратида 1 соатда 100 тонна кўмир ёқилади. Бунда кўмирнинг қўлланилиши – 32 %, олтингугурт -24.7%, учувчанлик -40%, қуввати – 4643 ккал.

Электростанция тозалаш қурилмалари билан жиҳозланган. ТЭЦ даги чанг, сульфит ангидрид кўрсаткичларини аниқланг.

### **Вазиятли масала. №2**

Ажратилган ҳудудда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи завод қуриш режалаштирилди. Агарда корхона томонидан атмосфера ҳавосига чиқариладиган чиқиндилар қуйидаги кўринишда бўлса, шу корхонани жойлаштириш мумкин эканлигига хулоса беринг.

1) ташланадиган газлар ҳажми-  $V = 200 \text{ м}^3/\text{сек}$

2) олтингугурт ангидрид  $M = 250 \text{ г/сек}$

3) азот оксидлари  $V = 55 \text{ г/сек}$

4) ташлаш баландлиги – 130 м

б) чиқинди газлар ҳарорати билан атроф-муҳит ҳароратлари орасидаги фарқ  $T - 100 \text{ }^\circ\text{C}$

### **Вазиятли масала №1.**

Аҳоли турар жой минтақасига назорат постларидан бирини жойлаштириш режалаштирилмокда. Назорат пости яшил ўсимликлар зич жойлашган минтақага, кузатув дастури буйича фақат тулик ва кискартирилган программасинама олинади. Шу ҳолат буйича ўз фикрларингизни билдиринг?

**ЖАВОБ:**

- 1 .Режалаштирилган кузатув пости стационар типдаги назорат пости бўлиб ҳисобланади.
- 2 .Назорат постларини очик майдонни ҳар томонлама яхши шамоллайдиган каттик коплама билан копланган жойда жойлаштириш керак.
- 3 .Стационар постларни яшил усимликлардан,бинолардан холи булган майдонда жойлаштириш.
- 4 . Олинган синамалар уртача булиши ҳам мумкин. Демак юкориларданкелиб чиқиб айтиш мумкинки стационар постларни бу жойларда жойлаштириш тақиқланади.

### **Вазиятли масала № 2**

Аҳоли сони 100 минг бўлган кичик шаҳарда стационар назорат пости режалаштирилади. Постни жойлаштириш учун аҳоли зич жойлашган минтақада жойлаштирилади. Постни жойлаштириш учун фақат ДСЭНМ томонидан рухсат олинган ҳолда тузилди. Постлар сони 5 тани ташкил қилади. Улар орасидаги масофа 0,2 км . Шу ҳолат юзасидан ўз хулосангизни беринг?

**ЖАВОБИ:**

1. Стационар пости ҳар 100 минг аҳолига 2 тадан ошмаслиги керак.
2. Назорат постларини жойлаштиришда гидрометеорологик ДСЭНМ ва шаҳар бош меъмори билан келишилган ҳолда ёзилади.
3. Назорат постлари орасидаги масофа 05-1км бўлиши керак.

### **Вазиятли масала №1**

Навоий шаҳрида жойлашган машина курилиш корхонасининг ҳудудидаги атмосфера ҳовосининг олтингугурт гази ва чанг билан ифлосланишини аниқлаш ва ушбу саноат корхонасига яқин атрофдаги аҳоли турар жойлари ҳаво мухитини заводининг чиқиндиларидан санитария муҳофозалаш бўйича кўрсатмалар бериш.

Бу ифлосланишнинг манбаси булиб кумир екилгисида ишловчи эритиш иш ҳисобланади. Чиқаётган умумий олтингугурт газининг миқдори 1960 г, чанг миқдори - 60г сек ташкил қилинади. Чиқинди чиқариш манбаларининг баландлиги -120м мурикон диаметри -6м газ-ҳаво аралашмасининг чиқиш тезлиги 11м сек. Чиқиндиларни чангдан тозалаш коэффиценти 60% булган курук циклонлар ёрдамида амалга оширилади. Шамолнинг ўртача йиллик кайталаниши (p) % қанча.

## **Вазиятли масала №2**

Автоуловлар магистрал ва аҳоли турар жойларининг курилиши чегарасидаги ҳавода углевод оксидининг концентрациясини куйидаги шараитларда ҳисоблаш: агар магистралнинг кенглиги -30м катнов кисмидан йулнинг иккала томонидаги курилишгача булган масофа -10м иккала йуналиш бўйича ҳаракат интензивлиги соатига 1000 та автоуловни ташкилэтса транспортлартаркибида 205 та сек машиналари ва автобуслар ташкил этади.

Ҳаракатланишининг ўртача тезлиги 4 м соат машиналар чиқиндиларининг захарлилигини камайтириш чора билан таъминланган. Ҳавонинг ҳисоблаб аниқланган ифлосланиш даражасини санитар гигиеник баҳо бериш ва керакли соғломлаштириш чора-тадбирларини тавсия қилиш.

## **Вазиятли масалалар 5 курс 9- семестр**

### **Вазиятли масала № 1.**

120 ўринга мўлжалланган терапевтик бўлимни режалаштирилганда шовқиндан химояловчи тўсиқлар кўзда тутилмаган. Шовқиндан СХМ ўрнатилган. Касалхона йўл ёқасида жойлашган. Бу кўчадан ҳар соатда 500тадан кўп автотранспорт ўтади. Товуш босимининг октава даражаси ва товуш даражаси палатада 125, шифокор кабинетида 136 ДБА ни ташкил қилди.

Палата ва шифокор кабинетида товушнинг гигиеник даражасини аниқлаб, агар меёрдан ошса шовқиндан химоя қилиш тадбирларни белгиланг.

### **Масалани ечилиши**

Касалхонада шовқининг октава даражасини ва товушнинг даражасини гигиеник талабларига жавоб беришини аниқлаш учун ўртача гометрик октава тебраниш майдонини (Гц) ҳисобга олинади, бу ерда (КМК бўйича) тебраниш 63 дант 8000Гц кўрсатилган, КМК га асосан касалхона палатасида товуш босимининг даражаси 25-51 ДБА ўзгаради, шифокор кабинетида 31-55 ДБА. Лойиха бўйича товуш босимининг октава даражаси ва товуш даражаси палатада 125 ДБА (КМК бўйича 55 ДБА ). Шундан кўриниб турибдики, палаталар орасида, шифокор кабинети орасида шовқиндан химоя қилувчи ўрнатилиши талаб қилинади, шу ҳолда шовқининг даражаси 45 ДБА, ўриладиган шовқининг даражаси 70 ДБА га камаяди.

Даволаш муассасасининг терапия бўлими ва шифокор кабинетини шундай лойихалаштирилганида шовқининг даражаси гигиеник меёрларга тўғри келади.

### **Вазиятли масала № 2.**

Жаррохлик хонасининг ориентацияси шимолий, баландлиги 4,5 м; кенглиги 5 м; чуқурлиги 5.5 м; хонада битта жаррохлик столи, кондиционер, нурланиш йўли билан иситиш тизими, сув таъминоти ва канализация бор.

Жаррохлик хонасини санитария техник жихозларига ва режалаштирилганига гигиеник баҳо беринг.



### **Масалани ечилиши.**

Жаррохлик хонасининг ўлчамлари, санитария техник жихозлари, ориентацияси Сан М ва К № 0054- 96 “Проектирования, строительства и эксплуатации лечебно профилактических учреждений” га тўғри келади. Камчиликлари йўқ.

### **Вазиятли масала.№ 1**

Шахардан ташқари майдонда юқумли касалликлар шифохонаси куриш учун ер майдоғни ажратилди. Бош лойиха бўйича курилиш бўйича 17%, 60% кўкаламзорлаштириш кўзда тутилган. Қолган майдонлар йўлаклар, кириб-чиқиш йўллари ва касалхона хўжалик хамшираси учун турар жой биносига мўлжалланган.

Касалхонани режалаштирилганлигини санитария шароитларини гигиеник баҳоланг.

### **Вазиятли масала.№ 2.**

Юқумли касалликлар касалхонаси лойихалаштирилган. У ерда 30% палаталар бокслардан иборат бўлиб, иморатнинг биринчи қаватида жойлашган. Боксларда кароват, тумбочка, санитария тармоғи, тамбур ва шлюз билан таъминланган.

Боксни режалаштирилганини баҳоланг, тамбур ва шлюз нима учун кераклигини айтинг.

### **Вазиятли масала №1.**

Шахар четидан юқумли касалликлар касалхонаси учун ер майдони танланди. Бош лойиха бўйича курилиш праценти 18 %, кукаламзорлаштириш 50 %, колган ерлар, йуллар, йулкалар, кириш йуллари ва касалхона катта хамшираси учун уй курилиши мулжалланган. Касалхонанинг режалаштирилишига санитария хулосасини беринг.

### **Масалани ечими.**

1. Касалхона майдонига стационар ва диспансер курилиши зичлиги 12-15 % атрофида булиши керак.
2. Кукаламзорлаштириш 60 % кам булмаслиги керак.
3. Катта хамшира учун уй курилиш мумкун эмас.

### **Масала №2.**

Шахар худудида сил касаллиги касалхонаси жойлашган. Бош лойиха бўйича бир нечта минтакаларга булинган: даволаш, бог-роғлар, патологи- анатомик. Иморатлар орасидаги масофа 20 метр. Худудини тозаланиши хавтада 1 маротаба. Даволаш минтакасида хар 100 метрда ахлат кутилари куйилган. Майдони режалаштирилганига гигиеник бахо беринг.

### **Масалани ечими.**

1. сил касалхонаси шахардан ташқарида жойлашиши керак.

2. Касалхона худуди даволаш, бог-роғлар, поликлиника, патологи- анатомик, хужалик ва мухандислик курилмалари минтакасига булиниши керак.
3. Иморатлар орасидаги масофа энг камида 25 метр булиши керак.
4. Худудини тозаланиши хар куни утказилиши керак.
5. Даволаш минтакасида хар 50 м да урна урнатилган булиши керак.

## **Масала №1.**

Жаррохлик хонасини ореантацияси шимолий хонаси баландлиги 4,5 кенглиги 5м, узунлиги 5.5м. хонада 1 оператсия устоли, кондиционер, нурланиш билан иситиш, сув, каанализация тармоғлари бор.

Операция хонасини режалаштирилганига ва санитар техник жихозларига бахо беринг.

### **Масала №2.**

Шахар четидан касалхона курилиши учун ер танланди, бу юкумли касалликлар касалхонаси. Курилиш % 17% кукаламзхорлаштириш 60 % колган ерлар йулар, йулкала кириш чикиш йулари, касалхона хужалик хамшираси учун яшаш учун уй куришга мулжалланган .

Касалхонани режалашга санитария бахосини беринг.

Турар жой массивини курилиши учун ер майдони ажратилган .Тупрокдаги кимёвий моддалар РЭМ дан 3 мартоба ортик. Хлебникова санитария сони 0,72 тупрокнинг холатига бахо беринг ва яна кандай текшириш ишлари олиб борилиши керак. Ажратилган ер майдонига гигиеник бахо беринг.

### **МАСАЛАНИ ЕЧИЛИШИ**

1. Агар кимёвий моддаларнинг концентрацияси РЭЖ дан 30 марта юкори булса ва хлебникова санитария сони 0,72 га тенг булса бу ифлосланган тупрок хисобланади.
2. Тупрок санитар хммолатига тулик даражада хулосага эга булиши учун тупрокни коли титри, анаэроб титри ва 1 кг тупрокдаги гижжа тухумлар сони, радиоктив моддалар курсаткичлари буйича лаборатория текширувларини утказиш керак.
3. Хулоса: Мазкур ер майдонида турар жой минтакалари куриш мумкин эмас.

## **2.№**

Ахоли яшаш жойлари яшаш уйларига якин жойлашган худуд оркали катта автомагистрал утказилмоқда. Уйларда яшайдиган ахоли шовкин , газ, чангларга шикоят килмоқда. Ахолини анкета –суров натижалари . уларда дойимий бош айланиши тугрисида шикоят килиши аникланди. Ушбу минтакада атмосфера хавосини ифлосланишини ахоли саломатлигига боглаш учун кандай текшириш ишлари олиб борилади.

### **МАСАЛАНИ ЕЧИЛИШИ**

Атмосфера хавосидан синамалар олиш жойларини аниклаш.

Шовкин даражасини лаборатория улчов асбоблари ёрдамида улчаш  
Атмосфера хавосида углерод оксиди, азод оксиди, углеводород, альдегидлар,  
кургошин ва бошка инградентларни лаборатория тахлили  
Хакикий шовкин даражаси ва ифлослантирувчиларнинг микдорини РЭЖ билан  
солиштириш.

Поликлиника маълумотлари асосида касалланиш даражасини урганиш. Болалар  
саломатлик ҳолатини урганиш.

Урганилган маълумотларни меъёр билан солиштириб бош айланишини келтириб  
чиқарадиган асосий омилни аниқлаш.

## **№1**

Турар жой массивини қурилиши учун ер майдони ажратилган .Тупрокдаги  
кимёвий моддалар РЭМ дан 3 маротоба ортик. Хлебникова санитария сони 0,72  
тупрокнинг ҳолатига баҳо беринг ва яна қандай текшириш ишлари олиб  
борилиши керак. Ажратилган ер майдонига гигиеник баҳо беринг.

## **№2**

Аҳоли яшаш жойлари яшаш уйларига яқин жойлашган ҳудуд орқали катта  
автомагистрал утқазилмоқда. Уйларда яшайдиган аҳоли шовкин , газ, чангларга  
шиқоят қилмоқда. Аҳолини анкета –суров натижалари . уларда дойимий бош  
айланиши тугрисида шикоят қилиши аниқланди. Ушбу минтақада атмосфера  
хавосини ифлосланишини аҳоли саломатлигига боғлаш учун қандай текшириш  
ишлари олиб борилади.

### **Вазиятли масала №1.**

5 хонали хонадон. Хар бир хонаси 15 м<sup>2</sup>, умумий майдони 75 м<sup>2</sup>, бу ерга 6  
одамдан иборат оила жойлаштирилиши мулжалланган. Асосий хоналарини  
орентацияси жанубий харқайси хонанинг ойнасининг катталиги 3м<sup>2</sup> хонадан  
канализация, водопровод газ таминотига уланган. Хожатхона ва ваннахонаси  
алозида жойлашган, катталиги 4 м<sup>2</sup>дан. Бу 5 хоналик хонадонни  
режалаштирилганига гигиеник баҳо беринг.

### **Масаланинг ечими.**

Хоналарини ориентацияси режа буйича тугри чунки ҳамма асосий хоналар  
орентацияси Ж, ЖШК, ШК. Булиши керак. Хонадонга 6 одамлик оилани  
жойлаштирилиши мумкун хар бир одамга 9 м<sup>2</sup> дан куп дой тугри келади.  
ЁК-1:5, меъри буйича 1:5,5-1:8 куп булиши керак. Сан техник жихозлари гиг  
талабга жавоб беради. Хоналар кичик иклими тугрисида малумотлар йук  
булгани сабаблик баҳо бериб булмади.

### **Вазиятли масала №2.**

Меридиал жойлашган, асосий хоналари ЖШК ориентациялик, дам олиш хонаси  
ШМ ориентациялик 2 хоналик хонадонда хоналар кенглиги 4 м узунлиги 5 м  
мехмонхонасида ТЁК- 1.0 , дам олиш хонасида –0.5. кундузги булиш хонасида  
харора 20 С, дам олиш хонасида 19 С, хаво харакати 0,2 м /с харарат узгариши 2-  
3<sup>0</sup> С. яшовчилар сони 2 та. Хонадонни санитария ҳолатини баҳолаш. Ва ҳулоса  
беринг.

### **Масаланинг ечими.**

Хонадонни жойлашиши тугри меҳмонхонасинпи ориентацияси гиг талабларга жавоб беради, чунки 4 иклим шароитида асосий хоналар ориентацияси Ж, ЖШК, ШК булиши керак. Дам олиш жойини ориентацияси гиг талабларга жавоб бермайди чунки бу хона ҳам асосий хоналарга киради. Колган ҳамма курсаткичлари гиг меёрларга тугри келади. Келтирилган камчиликлар бартараф килингандагина лойхани куришга рухсат этилади.

## **Масала №1.**

Тураржой иморат курилиш учун ажратилган ер майдонига гиг бахо беринг. Тупрокда кимёвий моддалар РЭМ дан 3 маротаба ошик, хлебников сан сони 0,72 га тенг. Тупрокнинг тозалиги тугрисида сан хулосаасини бериш учун яна кандай текширишлар утказиш керак.

## **Масала №2.**

Тураржой минакасини экологик холатига атмосфера хавосидан олинган синмал асосида. Бахо беринг. Аникланишича, углерод оксиди ва углеводородлар кщча ёкасида меъёридан 5-6 маротаба ошган. Дарахт остида 3 маротаба, иморат остида 2 маротаба, квартал ичида 1 маротаба, РЭМдан ошганлиги аникланган. Бу маълумотлар асосида тадбирлар ишлаб чикинг.

### **Вазиятли масала № 1**

Умумсоматик касалхона курилишида боғловчи лойиҳа материалларини куйидаги маълумотлар келтирилган: курилиш тизими тарқоқ (марказлаштирилмаган). Бош лойиҳада курилиш 17 %, кўкаламзорлаштириш 60 %, қолган майдонлар йўллар, йўлкалар учун мўлжалланган. Касалхона худуди минтақаларга бўлинган: даволаш корпуслари, паталогоанатомик корпус, хўжалик, даволаш-диагностика корпуслари минтақаси. Минтақалар орасида 30 м масофа бор. Кўкаламзор минтақанинг кенглиги 25 м. Касалхона худудига учта кириш йўли мавжуд. Касалхона худудига беморларнинг қариндошлари туриши учун меҳмонхона курилган. ДПУ сининг лойиҳаси материалларига бахо беринг.

### **Масалани ечиш намунаси**

Курилиш % ни гигиеник талабларга тўғри келади. Худудининг функционали минтақаларга бўлинганлиги, орасидаги масофалар ва курилиш тизими санитария талабларига тўлиқ жавоб беради.

### **Вазиятли масала № 2**

Коммунал гигиена бўйича врачга санитария –экспертизаси ўтказиш учун, юқумли касалликлар касалхонаси курилишига ер майдони ажратилиши учун лойиҳа материаллари тақдим этилди. Касалхона учун ер майдони аҳоли пунктдан ташқарида танланган. Бош лойиҳа бўйича курилиш – 17 %, кўкаламзорлаштириш – 60 %, қолган худудлар йўллар ва йўлкалар учун мўлжалланган.

Санитария экспертизаси учун тақдим этилган лойиҳа материалларини тўлиқлигини баҳоланг.

### **Масалани ечиш намунаси**

Юқумли касалликлар касалхонасини қурилиши учун ажратилган ер майдони лойиҳасини санитария-экспертизасига тақдим этилган материалларида қуйидаги маълумотлар етишмайди:

- Ер майдони ўлчамларини келишилганлиги ҳулосаси;
  - Санитария ҳимоя минтақасини ҳисоби;
  - Ер ости сувларини туриш баландлиги, очиқ сув ҳавзаларини, кўкаламзор массивларни борлигини баҳоси;
  - Чиқинди сувларни тушуриш шароити борлигини баҳоси;
  - Жой рельефини, инсолизациясини, йўл тизимларини борлигини баҳоси;
  - Шамол гулини ҳисоби;
  - Ер майдонини санитария – эпидемиология ҳолатини, унинг илгари нима мақсадда фойдаланилганлиги таҳлили;
  - Жойнинг канализациялаштиришга уланиш имкониятини борлиги;
- Объекти ичимлик суви билан таъминлашни имкони борлигини баҳолаш

### **Масала № 1**

100 ўринлик юқумли касалликлар касалхонасини қуриш учун ер майдони танланди. Ер майдони 150 м<sup>2</sup> ни ташкил этади. Бу ер майдони ўтмишда шаҳар чиқинди ташлаш жойи бўлган. Ер рельефи 16 % қияликга эга. 300 м узокликда чорва фермаси жойлашган. Режалаштирилаётган даволаш биноларидан 25 м узокликда сув ҳавзаси жойлашган. Ери қумлик.

Ер ости сувларини туриш баландлиги 0,28 м. Ер майдонига гигиеник баҳо беринг.

### **Масала № 2**

Коммунал врачга санитария экспертизаси ўтказиш учун 1000 ўринга мўлжалланган умумсаломатлик касалхонасини қурилиши учун ажратилган ер майдони лойиҳа материаллари тақдим этилди. Ер майдонининг умумий катталиги 250 м<sup>2</sup>. Бош лойиҳа бўйича қурилиши 17 %, 60 % кўкаламзорлаш кўзда тутилган. Қолган ерлар йўл ва йўлкаларга ажратилган. Ер рельефи 21 % қияликга эга. 500 м узокликда коека кимё заводи жойлашган. Режалаштирилаётган даволаш биноларидан 25 м масофада спорт майдончаси жойлашган.

Тупроғи қумлик. Ер ости сувлари 0,5 м баландликда жойлашган.

Санитария экспертизасига тақдим этилган лойиҳа материалларини тўлиқлигини баҳоланг.

### **Вазиятли масала №1:**

“Гулноз” сартарошхонасини санитария текشريшда қуйидагилар аниқланди сартарошхона алохида бинода жойлашган булиб, худуди ободонлаштирилган ва кукаламзорлаштирилган. Сартарошхонанинг иш уринлари крисло, стол, сочик, ювиш учун рақвина билан жихозланган сизнинг ҳулосангиз.

### **Ечими.**

Сан К ва М 0197-06 «Сартарошхоналарнинг жихозланиши бўйича санитар эпидимиологик талаблар» асосан сартарошларнинг иш уринлари тугри жихозланган.

### **Вазиятли масала № 2:**

“Шахноз” сартарошхонасини санитария текширишда куйидагилар аникланди. Сартарошхона алохида 1 каватли бинода жойлашган булиб, худуди ободонлаштирилган ва кукаламзорлаштирилган. Смена давомида 3 маротаба микроклим курсаткичларини аниклаш утказилди. Э, ва куйидагилар аникланди. хавонинг нисбий намлиги 65%, хаво харакати тезлиги 0,2 м/с харорати 20<sup>0</sup> С. уз хулосангизни беринг.

#### **Ечими.**

“Шахноз” сартарошхонасининг микроклим СанКваМ №0197-06 “ Сартарошхоналарнинг жихозланиши куйиладиган санитар эпидимиологик талаблар” га жавоб бермайди, чунки нисбий намлик 40-60%, хаво харорати тезлиги 0,1 м/с харорати эса 21-23<sup>0</sup>С булиши керак. Микроклим курсаткичлари тугри утказилган.

### **Вазиятли масала №1:**

Сартарошхонасини санитария текширишда куйидагилар аникланди сартарошхона икки каватли алохида курилган бинода жойлашган булиб, худуд кукаламзорлаштирилган ва кириш йуллари ободонлаштирилган.

Иш уринлари ювувчи ва зарарсизлантирувчи эритмалар билан таъминланган. Иш уринлари орасидаги масофа 1,8 метрни ташкил килади. Ходимларнинг иш кийимларини саклаш учун алохида шкафлар бор. Пластмассалии асбоблар 0,4-0,5 % хлорамин эритмаси билан зарарсизлантирилмокда. Сизнинг хулосангиз.

### **Вазиятли масала №2:**

